

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил июнь ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи С.Юлдашева, судья ёрдамчиси Ж.Ўраловнинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Кенжаев, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Жабборовнинг иштирокида, ХХХга нисбатан 000-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

ХХХ (ХХХ), 2000 йил 1 июлда Денов туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, Денов тумани “ ” маҳалласи, кўчада яшайди, жноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2025 йил 5 майдаги ажримига кўра, 2025 йил 12 май кунидан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини вақтида олган, соғлиги яхши, судга жавоб бера олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд жиноят ишида тўпланган материаллар билан атрофлича танишиб, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувлари, давлат айбловчиси, ҳимоячининг фикрини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ХХХ 2025 йил 26 февраль куни соат 18:00 да Термиз шаҳар “ХХХ” маҳалласи, “Фаровон” массиви, 32-уй, 73-хонадонда фохишахона ташкил қилиб, тезкор тадбирга шартли мижоз сифатида жалб қилинган “Х” исмли шахс ва М.Маҳматқулованинг жинсий алоқа қилишлари учун хонадонда шароит яратиб бериш эвазига “Х” исмли шахсдан 200.000 сўм пулларни олган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ушланиб, ХХХдан 200.000 сўм пуллар тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўралган ХХХ ўз кўрсатувида қилмиш жиноий ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2025 йил февраль ойи бошларида Термиз шаҳрига келиб, “ГЛАМООР” номли келин либослари салонида ишлаганлиги, Термиз шаҳрида ишлаб, Термиз шаҳар “ХХХ” маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйларда ижарада яшай бошлаганлиги, ўзидан ташқари ушбу уйда яна 2 нафар фуқаро кўшимча ижарада туришини, 2025 йил 26 февраль куни



уйда бўлган вақти телефонига ўзига таниш бўлмаган бир фуқаро телефон қилиб, “қизим билан бораяпман, жинсий алоқа қилишим учун уйингиздан шароит ва жой қилиб бероласизми, дам олишимиз керак” деб сўраганлиги, унга бемалол келаверишини, уйда ҳамма шароит борлигини айтганлиги, шундан сўнг ўзига таниш бўлмаган шахсга уйда жой ва шароит яратиб бергани учун соатига 100.000 сўмдан беришини айтганлиги, у икки соатга уйдан қизи билан жинсий алоқа қилиб, дам олишига шароит яратиб, ҳеч ким уларни безовта қилмаслигига келишб олганлиги, уларга бемалол уйига келаверишини айтганлиги, шундан кейин орадан бироз вақт ўтиб, ўзи билан гаплашган йигит билан бирга бир нафар қиз уйига келганлиги, уларни бир ўзи қабул қилиб, уйга киритиб, киришда чап томондаги хонага киритиб, жинсий алоқа қилиб дам олишлари учун шароит яратиб берганлиги, бунинг учун йигитдан 200.000 сўм пулни олганлиги, улар уйининг хонасига кириб кетишганидан кейин, орадан 15 дақиқа ўтиб, уйига ИИБ ходимлари видеокамера қўллаган ҳолда, холислар билан кириб келишганлиги, уларга ўзини таништирганлиги, шундан сўнг ИИБ ходимлари йигит ва қизга уйда жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб берган хонага кириб боришганлиги, ИИБ ходимлари ушбу фуқаролар жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб бергани эвазига пул берган ёки бермаганлигини сўрашганлиги, ИИБ ходимларига бўлган ҳолатни айтиб, шароит яратиб бергани эвазига 200.000 сўм пул олганлигини айтиб, уларга ушбу пулни тақдим қилганлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, айбига иқрорлиги, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, ёшлиги ва аёл эканлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган Д.Қудратова дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, у 2025 йил 26 февраль куни 17:00ларда Тошкент шаҳридан Термиз шаҳар “XXX” маҳалласидаги кўп қаватли уйларнинг 73-хонадонида яшовчи таниши XXXнинг ижарада яшаётган уйига келиб, у билан бирга ижарада туришга гаплашиб, нарсаларини жойлаштириб, ўзи овқатланиш мақсадида ташқарига тушиб кетаётган вақтида ИИБ ходимлари келиб, тезкор тадбир бўлаётганлигини айтиб, 2 нафар холислар билан бирга ижарага келган уйи томонга борганлиги, улар уйни кўздан кечиришганлиги, уйга кирилганда чап томондаги хонада нотаниш бир қиз ва йигит жинсий алоқа қилишаётганлигини гувоҳ бўлганлиги, шу вақтда XXX ҳам хонадонда бўлганлиги, шундан сўнг нотаниш йигит ва қиздан нима мақсадда бу ерда эканликларини сўрашганида, улар XXX икки соатга 200.000 сўм олиб, шароит яратиб берганлигини айтишганлиги, шундан сўнг 200.000 сўм пуллар тегишли тартибда расмийлаштириб олинганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Судда томонларнинг розилиги билан гувоҳ О.Қодиров ва Махматқулованинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ўқиб иттирилди.



Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи ХХХнинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларини, ҳимоячининг фикрини, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчининг айби ўзининг иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари жиноят ишидаги ашёвий далилни кўздан кечириш ва олиш баённомаси, тушунтириш хатлари ва жиноят ишида мавжуд бўлган суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракатларига юридик баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 2-қисмида, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги;

4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ушбу Кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳқумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳқум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

Жиноят кодексининг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Суд, судланувчи ХХХга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий



хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига амал қилган ҳолда унинг айбига иқрорлик билдириб, ҳозирда содир этган жиноятининг оқибатларини тўла англаб етганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, аёллигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ХХХнинг қамоқда бўлган муддатини ЖКнинг 62-моддаси тартибида озодликни чеклаш жазосига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегиришни, жазони ижро этишни Денов туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи зиммасига юклатишни, ХХХга қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чорасини бекор қилиб, уни суд залидан озод қилишни лозим топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси тартибида ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ҳукм қонуний кучга киргач ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва сўзлашув жараёни акс этган икки дона DVD дискни жиноят иши ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 497¹, 497⁴-моддаларини қўллаб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

ХХХ (ХХХ) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклаш тарзидаги озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ХХХнинг 2025 йил 12 май кунидан 4 июнь кунига қадар қамоқда бўлган 24 (йигирма тўрт) кунни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида озодликни чеклаш жазосига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, узил-кесил ўташ учун 1 (бир) йил 5 (беш) ой 6 (олти) кун муддатга иш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклаш тарзидаги озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

ХХХ жазони яшаш жойи ҳисобланган Денов туман, “Қовунлисой” маҳалласи, 1-берк кўча, яшаш хонадонидан ўташ белгилансин.

ХХХнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) латилсин:



- назорат қилувчи органнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

- Сурхондарё вилояти ҳудудидан чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

ХХХга қўйилган тақиқлар (чекловлар)га риоя этиши ва унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш ва ижросини таъминлаш вазифаси Денов туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ИИБга ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

ХХХга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дархол суд залидан қамоқдан озод этилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

- ашёвий далил сифатида олинган ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва сўзлашув жараёни акс этган икки дона DVD диск жиноят иши материалларига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки прокурор протест келтиришга, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг апелляция тартибида кўрилмаган бўлса кассация тартибида шикоят ёки прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

(имзо)

С.Юлдашева

Аслига тўғри _____

